

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВ ДАВРОНБЕК ҲОШИМОВИЧ**

**АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИДА ТАСАВВУФИЙ**  
**ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

*УЎК [1(091):141.336]Ғаззолий*

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Қодиров Давронбек Ҳошимович**

Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотида тасаввуфий тажрибанинг

аҳамияти.....5

**Қодиров Давронбек Ҳошимович**

Значение суфийского опыта в учении

Абу Хамида Газали..... 23

**Kodirov Davronbek Hoshimovich**

The Significance of the Sufi Experience in the Teachings of

Abu Hamid Ghazali.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 50

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВ ДАВРОНБЕК ҲОШИМОВИЧ**

**АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИДА ТАСАВВУФИЙ  
ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fal621 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Музаффаров Фируз Давронович**  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор  
**Қодиров Муҳаммаджон**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “21” ноябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (202 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “8” ноябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил “8” ноябрь даги 23 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Намозов Б. Б.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнлари ҳар томонлама авж олаётган, турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги давр мураккаб умумбашарий жараёнларга турли мезонлар асосида ёндашиш заруратини намоён қилмоқда. Хусусан, ижтимоий низоларни олдини олиш ва ёшлар ўртасидаги радикаллашувга қарши курашда маънавий-ахлоқий кадриятларни такомиллаштириш ҳамда умуминсоний кадриятлар устуворлигини таъминлашга муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ҳаёт тарзига зид бўлган зарарли ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг моҳиятини англаш, ёшлар онгига салбий таъсир этувчи ғоялардан ҳимоя қилишда буюк мутафаккирларнинг маърифат, тарбия, ахлоқ, шижоат, ғазабни мўътадил ҳолга келтириш ҳамда риёзат воситасида ботин ва зоҳирни тарбиялашга доир қарашларининг фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида буюк мутафаккирлар илмий мероси асосида ёш авлодни баркамоллик руҳида тарбиялаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқишга оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Башарият тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган мутасаввифлар меросидаги инсон тарбияси, ахлоқий кадрият ва меъёрларга доир қарашларни илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш, комил ва етук авлодни тарбиялашда ирфоний тафаккур, ахлоқий тарбия ва қалб маърифати каби тасаввуфий-фалсафий ғояларига таяниш долзарб аҳамиятга эга. Шу нуқтаи-назардан Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотидаги тасаввуфий тажрибанинг гносеологик хусусиятларини, нафс поклиги, тарбия, қалб маърифати, комил инсон ғояларининг ўзликни англаш ва ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини асослаб бериш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда инсон эркин ва фаровон яшайдиган маънавий маконни барпо этиш, маърифатли жамият қуриш тараққиёти ва истиқболини белгилайдиган стратегик дастурлар изчиллик билан олиб борилмоқда. "... минтақамизда ушбу иллатга қарши кураш нафақат қонунлар ва муайян жазолар орқали, балки маънавий-ахлоқий чоралар кўриш, жамиятда порахўрлик ва коррупцияга қарши ўзига хос "маънавий иммунитет"ни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Наср Форобий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг нафс тарбияси, ахлоқ комиллиги ҳақидаги фикрлари асрлар мобайнида миллий шуур ва онгни шакллантиришда яқиндан ёрдам берган"<sup>1</sup>. Бу борада Имом Ғаззолийнинг саодатга эришиш илми, нафсоний истакларини бошқариш, ахлоқий ва интеллектуал сифатларни ўз ичига олган тасаввуфий тажрибага оид қарашларининг фалсафий жиҳатларни очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: "O'zbekiston", 2021. – Б. 420.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илм-фанида Абу Ҳомид Ғазолий ҳаёти, илмий мероси, фалсафий-тасаввуфий таълимоти, ахлоқий қарашлари, сиёсий, фикҳий мероси Э. Ормсби, Ф. Гриффел, Кен Гарден, М. Кампанини, Э. Писани, Мария де Силлис каби олимлар томонидан тадқиқ этилган натижалар эълон қилинган. А. Трейгер, Ф. Ричард, Скотт Гирднер, Б. Барбер тадқиқотлари мутафаккир илмий меросини ўрганишда методологик асос сифатида хизмат қилади. Исо Абдуллоҳ Али, Солиҳ Аҳмад аш-Шомий, Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Фаллохий, Мустафо Абусвай, Месут Окумуш ҳамда Симоне Дарио Нарделла, Абдулла Картал, Абдулла Акгул каби Шарқ давлатлари олимларининг тадқиқотлари Ғазолий маънавий мероси, хусусан, тасаввуфий қарашларини очиб беришда илмий аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Eric Ormsby. Ghazali: The Revival of Islam. Oxford: Oneworld, 2008. 158 p.; Griffel, Frank: Al-Ghazālī's Philosophical Theology. New York: Oxford University Press, 2009.; Garden, Ken, The First Islamic Reviver: Abū Ḥāmid al-Ghazālī and his Revival of the Religious Sciences. New York: Oxford University Press, 2014.; Campanini, Massimo: Al-Ghazali and the Divine, London: Routledge, 2019.; Pisani, Emmanuel. Hétérodoxes et non musulmans dans la pensée d'Abū Ḥāmid al-Ġazālī (m. 1111) par Emmanuel Pisani, Lyon, 2014.; De Cillis, Maria. The Discourse of Compromise: Theoretical Constructs of Free Will and Predestination in the Works of Avicenna, Ghazālī and Ibn 'Arabī., London, Routledge, 2014.; Alexander Treiger. “The Science of Divine Disclosure: al-Ghazali's Higher Theology and Its Philosophical Underpinnings” Yale University, 2008, - 397 p.; Frank, Richard M.: Al-Ghazali and the Ash'rite school. Durham: Duke University Press, 1994.; Scott Michael Girdner. “Reasoning with revelation: The significance of the Qur'anic contextualization of philosophy in Al-Ghazali's “Mishkat Al-

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан А. Хисматулин, А. Игнатенко, А. Ерохин, М. Жанаби, У. Ҳисайнов тадқиқотларида мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари тадқиқ этилиб, унинг шахсияти, ҳаёти ҳақида манбаларга таянган ҳолда муҳим маълумотлар илмий ҳамжамиятга тақдим этилган<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда М. Болтаев, Г. Наврўзова, Ҳ. Саломова, М. Қодиров, Р. Шодиев, С. Каримов, Н. Сафарова, Г. Юнусова, Ф. Музаффаров илмий тадқиқот ишларида тасаввуфий назариялар, уларнинг фалсафий хусусиятлари, Ғазолий ғоялари, илмий мероси, асарлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган<sup>4</sup>.

Юқорида қайд этилган жаҳон олимлари ва мамлакатимиз файласуф-тадқиқотчиларининг тадқиқотларида Ғазолий илмий мероси ва таълимотидаги тасаввуф билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларнинг юксак илмий-амалий қиммати эътироф этган ҳолда, ушбу диссертацияда Абу Ҳамид Ғазолийнинг тасаввуфий тажриба ва у билан боғлиқ ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари, нафс тарбияси, комил инсон ҳақидаги қарашлари ҳозирги замон нуқтаи назаридан тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг

---

Anwar” (“The Niche of Lights”), Boston University, 2010, - 725 p.; Barber, Brooks L. Poverty in al-Ghazali’s *Iḥyā’ ‘Ulūm al-Dīn*, Catholic University of America, 2016, -335 p.; عيسى عبدالله علي. الفلسفة و التصوف في فكر ابي حامد // DINIKA Academic Journal of Islamic Studies Volume 2, Number 2, May - August 2017, - p. 247-284.; عبد الله محمد الفلاحى. العقل المتحافة بين الغزالي و كانت. رؤية نقدية مقارنة لليقين الترانسندنتالية. جامعة الاب، اليمن، الاستغراب، 2017. 74-57. Abusway, الشامي صالح احمد. الامام الغزالي. حجة الاسلام و مجدد المنة الخميسة / الطبعة 1. دار القلم، دمشق، 1993. 264 ص; Mustafa, M.: A Study in Islamic Epistemology: Al-Ghazali. Kuala Lumpur: Dwan Bahas dan Pustaka, 1996.; Mesut Okumus. “Gazzali’nin Kur’an Anlayisi ve Yorum Yöntemi“, Doktora Tezi, Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Danisman: Prof. Dr. Halis Albayrak, 262 sayfa, Ankara 2000. Simone Dario Nardella. “Gazali ve Suhreverdi’de Tasavvufi Tecrübenin Önemi”, 93 sayfa, Istanbul 2017; Kartal, Abdullah, “Tasavvufî Tecrübe Aktarılabilir mi?”, Uludağ Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, Bursa 2007, c. 16, sayı: 1, ss. 97-120.; Akgül, Abdullah. Kemâl Yolculuğu Olarak Dinî Tecrübe: Gazâlî Üzerinden Bir Okuma. Bilimname. 2019, Vol. 38 Issue 2, - p. 813-833.

<sup>3</sup> Хисматулин А.А. Сочинения имама ал-Газали. - Садра, Петербургское Востоковедение, 2017. 634-с.; Игнатенко А.А. Познать непознаваемое (аль-Газали о рациональном познании трансцендентного ал-гайб) // Средневековая арабская философия: Проблемы и решения. - М.: "Восточная литература", 1998. -С.175-209.; Ерохин А.К. Мистико-теологические идеи философии образования аль-газали в их современном прочтении // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Философские науки. 2009. № 4. с. 91-95.; Майсем Аль-Джанаби. Теология и философия ал-Газали. Москва: Марджани, 2010. 242-с.; Хисайнов У. Соотношение теологии и метафизики в философии Мухаммада Ал-Газали: философско-религиоведческий анализ. Дисс. работа, Душанбе, 2011. 174-с.

<sup>4</sup> Болтаев М.Н. Имом Ғазолийнинг ирфоний таълимоти // Бухоро университети илмий ахборотлари – 2002. № 2 –Б. 2-7.; Наврўзова Г.Н. Ғазолийнинг фалсафага муносабати. Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. 1-китоб. -Б.103-105.; Саломова Ҳ. Ғазолий ва мезон // Шарқ юлдузи -1996. -№ 5.-Б. 152-156.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.) Дис.док.фил.наук.Самарканд:1993.-240с.; Сафарова Н.О. Хожогон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадрятлар масаласи. Фалс. фан.номз. дисс. Тошкент: 2002. –149 б.; Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Тошкент: ТДШИ, 2010.–Б.31.168-176; Юнусова Г. Абдулқодир Гелоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс.фан.док (DSc)дисс.-Самарканд,2019.; Музаффаров Ф.Д. Ғазолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Фалс.фан.ф.д.(PhD)дисс.-Самарканд,2019, - 169 б.

маънавий-маърифий асослари” (2017-2022 йй) тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тасаввуфий тажриба ва маънавий-ахлоқий қарашларининг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

билиш жараёнида тажриба ҳақидаги илмий қарашлар ва тасаввуфий тажриба тушунчасининг моҳиятини аниқлаш;

Ғаззолийнинг “Ал-ҳикмату фи махлуқот-и-Ллоҳ” (Аллоҳ яратган нарсаларнинг ҳикмати) асари асосида тасаввуфий тажриба, ирфоний билиш муаммоларининг фалсафий хусусиятларини асослаб бериш;

Мутафаккирнинг “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” (Орзумандлар боғи ва йўловчилар суянчиғи) асаридаги маънавий-руҳоний, диний-ирфоний қарашларни очиб бериш;

Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибасида ўз-ўзини англашга оид ғояларни тадқиқ этиш;

инсон камолотида тасаввуфий тажрибанинг аҳамияти, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва ўзига хослигини асослаб бериш;

Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотида тасаввуфий тажрибанинг эпистемологик моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибасида билиш тузилмасини ташкил этувчи диний, фалсафий ва психологик омиллар, унинг умуминсоний компонентлари танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** Абу Ҳомид Ғаззолий асарларидаги тасаввуфий тажрибага оид қарашларининг фалсафий аҳамиятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил, ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, креатив ёндашиш, диалектик, герменевтик, синергетик илмий билиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тажриба тушунчасини Аристотель, Беруний, Ибн Сино ғояларини қиёслаб, Ғаззолийда тажриба тушунчасининг ўзига хос тасаввуфий моҳият эканлиги “Ал-ҳикмату фи махлуқот-и-Ллоҳ”, “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” асарларидаги самонинг яратилиши, оламни тафаккур қилиш, борлиқнинг яратилиши, илм ва ахлоқ бирлиги, ақлий мушоҳада заруратига оид ғоялари асосида очиб берилган;

Ғаззолий тасаввуфий тажриба ирфоний билишнинг муаммоси эканлиги, радикал эмпириклар ва рационалистлардан фарқли равишда бу босқичнинг асосий ҳиссий ҳамда ақлий билим эканлиги асосланган ва улар асосида мукошафа, мушоҳада, муояна, басират даражаларига етиш мумкинлиги исботланган;

Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибаси асосида ёзилган асарларида (“Мукошафат ул-қулуб”, “Ар-рисолат ул-ладуния”, “Мезон ул-амал” ва “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин”) акс этган нафс поклиги, тарбия, қалб маърифати, комил ахлоқ тушунчаларининг ўз-ўзини англаш ва ёшлар тарбиясида креатив фикрлашни ривожлантириш, консенсусга эриштириши,

эзгуликка интилишни кучайтириш ва инсон камолотида маърифий аҳамиятга эга эканлиги далилланган;

мутафаккир “Мезон ул-амал” асарида ўз тасаввуфий тажрибасидан келиб чиқиб, саодатга эришиш учун зарурий илм ва амалларни таснифлаб, инсон ўз қувватларини жиловлай олиши, нафсоний истакларини бошқаришга оид ғояларни очиб берилган ҳамда уларнинг ёшларни “оммавий маданият” ва мафкуравий таҳдидлардан асровчи иммунитетни шакллантиришда мўътадиллик, бағрикенглик, дунёвий тафаккурни юксалтириши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотидаги тасаввуфий тажрибада инсон камолоти ва жамият тараққиёти учун илм-маърифат, тарбия ҳамда ахлоқнинг ўрни муҳим эканлиги назарий, методологик ва амалий хулосалар асосланган;

мутафаккирнинг “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” асарида илгари сурилган макорим ул-ахлоқ, гўзал хулқ, маърифат, қалбни ва руҳиятни чиркинликлардан поклаш, шижоат, иффат, адл ва ғазабни мўътадил ҳолга келтириш ҳамда риёзат орқали ботин ва зоҳирни тарбиялашга оид қарашларнинг аҳамияти очиб берилган;

тасаввуф ва ундаги тажрибанинг асосий услубларини аниқлаш ҳамда ахлоқ концепциясини яратишда Ғаззолий асарларининг фалсафий ўрни очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар биринчи манбадан олинганлиги, ёндашув, услуб ва усуллар тўғри танланганлиги, илмий маълумотларнинг расмий ва ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, миллий ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасаввуф тарихи ва маданиятни тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар олиб боришда, жаҳон тасаввуфий тажрибасини, бу борада тўпланган илмий ютуқларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш жараёнларига жалб этишда, Ғаззолийшунослик йўналишидаги турли ёндашувларни тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотларда назарий-методологик манба сифатида ҳамда уларнинг методологик ёндошувларини такомиллаштириш, таълимнинг ижтимоий соҳалар билан интеграциясини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Абу Ҳомид Ғаззолий таълимотида тасаввуфий тажрибанинг аҳамияти, унда илгари сурилган баркамол шахсни шакллантириш омиллари, илм-маърифат, тарбия ҳақидаги фикрларасосида миллий ғоя, миллий онг ва миллий ғурурни ёшлар онгига сингдиришга қаратилган тарғибот ишларида, келажакда амалга оширилиши зарур бўлган илмий тадқиқотларни мазмунан бойитишда, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда, ижтимоий соҳада фаолият олиб

борувчи фуқаролик жамияти институтларининг амалий фаолиятларида, медиаконтентлар яратишда, шунингдек, “Тасаввуф тариқатлари тарихи”, “Фалсафа”, “Маънавиятшунослик” фанларининг ўқув-услубий таъминотини янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тасаввуфий тажриба ва маънавий-ахлоқий қарашларининг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тажриба тушунчасини Аристотель, Беруний, Ибн Сино ғояларини қиёслаб, Ғаззолийда тажриба тушунчасининг ўзига хос тасаввуфий моҳият эканлиги “Ал-ҳикмату фи махлуқот-и-Ллоҳ”, “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” асарларидаги самонинг яратилиши, оламни тафаккур қилиш, борлиқнинг яратилиши, илм ва ахлоқ бирлиги, ақлий мушоҳада заруратига оид тадқиқот натижалари ва назарий хулосаларидан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилган “Ғаззолийнинг “Мезон ул-амал” асаридаги яхши фазилатларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти” ва “Абу Ҳомид Ғаззолий ҳунарларнинг фазилати ва шарафи тўғрисида” маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 14 октябрдаги 05-12-10-4569-сон маълумотномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга, миллий-маданий меросимизни хурмат қилишга ва асраб-авайлашга, маънавий барқарорликка эришишга хизмат қилган ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

Ғаззолий тасаввуфий тажриба ирфоний билишнинг муаммоси эканлиги, радикал эмпириклар ва рационалистлардан фарқли равишда бу босқичнинг асосий ҳиссий ҳамда ақлий билим эканлиги асосланган ва улар асосида мукошафа, мушоҳада, муояна, басират даражаларига етиш мумкинлигига оид илмий янгилик, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан Фарғона давлат университетида бажарилган давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги PZ-2017-0930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй) амалий тадқиқот лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2022 йил 19 июлдаги 01-2600-сон маълумотномаси). Натижада, тасаввуфий тажрибанинг ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалишида, мафкуравий иммунитетнинг ортишида, фалсафий мушоҳадасининг кенгайишига ҳамда таклиф ва тавсияларнинг мазмунан бойишига, амалий тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибаси асосида ёзилган асарларида (“Мукошафат ул-қулуб”, “Ар-рисолат ул-ладуния”, “Мезон ул-амал” ва

“Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин”) акс этган нафс поклиги, тарбия, қалб маърифати, комил ахлоқ тушунчаларининг ўз-ўзини англаш ва ёшлар тарбиясида креатив фикрлашни ривожлантириш, консенсусга эриштириши, эзгуликка интилишни кучайтириш ва инсон камолотида маърифий аҳамиятига доир илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил август-сентябр ойида эфирга узатилган “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 сентябрдаги 1/236-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинларнинг ислом маданиятининг олтин асрида ўзининг фалсафий, маънавий, илмий мероси, тасаввуфий-ирфоний таълимотлари билан умумбашарият тараққиётига беқиёт таъсир кўрсатган мутафаккирнинг фалсафий қарашлари бўйича илмий-тасаввур ва тушунчаларини бойитишга, кўрсатувларнинг илмийлиги ва оммабоплигини оширишга хизмат қилган;

мутафаккир “Мезон ул-амал” асарида ўз тасаввуфий тажрибасидан келиб чиқиб, саодатга эришиш учун зарурий илм ва амалларни таснифлаб, инсон ўз қувватларини жиловлай олиши, нафсоний истакларини бошқаришга оид ғояларни очиқ берилган ҳамда уларнинг ёшларни “оммавий маданият” ва мафкуравий таҳдидлардан асровчи иммунитетни шакллантиришда мўътадиллик, бағрикенглик, дунёвий тафаккурни юксалтиришига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг 3-боби “Аҳолининг барча қатламлари ўртасида профилактик тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш”нинг 44-банди “Юртимиздаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакилларини мамлакатимизда озод ва обод Ватан барпо этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, умуминсоний тамойилларга айланган ғояларни кенг тарғиб этиш мақсадида “Раҳбар маънавиятини шакллантиришда умуминсоний кадрларнинг ўрни” (Абу Ҳомид Ғазолий фалсафий, ахлоқий ва тасаввуфий қарашлари ҳамда асарлари мисолида) маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 5 ноябрдаги 02/08/1370-сон маълумотномаси). Натижада, илмий ишда илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Марказдаги маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказишда кенг фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 7 та илмий мақола (4 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, етти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тасаввуфий тажриба тушунчалари тизимида Ғаззолий қарашларининг ўрни”** деб номланиб, билиш жараёнида тажриба ҳақидаги илмий қарашлар ва тасаввуфий тажриба тушунчаси, унинг фалсафий таҳлили, Ғаззолий маънавий меросида тасаввуфий тажрибага оид асарлар каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертацияда тажрибанинг характеристикаси унинг бевоситалиги (сувга кирмасдан туриб, сузишни ўрганиб бўлмаслиги), ягоналиги (тажриба доим давом этса-да, унинг субъекти – ҳодиса аён эканлиги), субъектив-объектив муносабатнинг синкретиклиги (кутиб олувчи ва кутиладиган ўртасидаги учрашув доим юз берса-да, аммо фарқланиш тафаккурда, яъни уни таҳлил предметида айлантирганида бўлиши) таҳлил объектига айлантирилган ҳамда шу тарзда анланган тажриба инсон фаолияти ва билишининг асосини ташкил этиши очиб берилган. Тажриба билиш ва фаолиятда тафаккур ҳамда интуиция воситасида ҳосил бўлади. Агар тафаккур воситали, яъни бошқа кишиларга ахборотни ишора шаклида узатиш, боғлаш ва ажратиш фаолияти бўлса, тажриба доим бевосита юз беради.

Диссертацияда интуициянинг инсон фаолияти ва билишига бутунлик ва мақсадли характер аҳамият касб этиши, шунингдек, тажрибага мазмун бағишлаши, тажриба доим чегараланган, аммо интуиция бўлмаса, билиш фақат тафаккур ва тажриба билан чекланган бўлиши, тафаккур фақат тажриба воситасида олинган ахборот билан ишлаганида, уни умумлаштиришга қодир бўлгани учун ҳеч қачон кашф қила олмаслиги таъкидланади.

Замонавий илмий доирада кўпинча тажриба остида англамаган ҳолда эксперимент тушунилади. Илмий билишда икки методологик қараш – эмпиризм ва рационализм ўртасида рақобат вужудга келиб, муайян фалсафий тушунчалар ҳосил бўлган.

Тадқиқотда эмпиризм мўътадил ва радикал шаклга эга эканлиги, мўътадил эмпиризм тажрибани билишнинг асоси сифатида кўриши, бунда ақлнинг табиатига оид турли саволларга жавоб бериб, одатда, тажриба ва интуиция ўртасидаги фарққа кўп эътибор қаратмаслиги, радикал эмпиризм тажрибани ягона билиш манбаи, - деб ҳисоблаши таъкидланган. Рационализм тажрибанинг аҳамиятини билишнинг моддий шарти сифатида инкор этмай, умумий ва зарурийни ақл ёрдамида билиш мумкин деб таъкидлайди. Рационалистлар тарафидан интуиция интеллектуал мушоҳада қилиш, деб тушунтирилади.

Тажриба бу воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий билиш жараёни бўлиб, у малака ва илмнинг бирлигидан иборат. Тажриба эмпирик билим, эмпирика ёки инсоннинг ташқи олам билан ўзаро муносабатга киришиш жараёнида, шунингдек, ички кечинмалар жараёнида қўлга киритган билим ва малакаларнинг йиғиндиси, ҳиссий идрок этиш ҳамда мия руҳий фаолиятининг бутун жамланмасидир. Тажриба эмпиризм ва рационализм ўртасидаги кураш асносида ривожланган. Радикал эмпириклар тажрибани ҳақиқатни билишнинг ягона манбаи деса, радикал рационалистлар тажрибани адашишлар манбаи деб, уни тўлиқ инкор этади.

Тадқиқотда фалсафа тарихида тажриба тўғрисидаги фикрлар турли ракурсларда қадимги Греция, Юнон файласуфларининг қарашларида ўз аксини топганлиги таъкидланган. Юнон донишмандлик анъаналари тасаввурида инсон ақли худди кўзларимиз ҳиссий идрок этиладиган объектларни кўриш ва мушоҳада қилишга қодир бўлганидек, умумий қонунлар ва ғояларни “кўриш”, “мушоҳада қилиш”га қодир. Ақл ёрдамида умумий ғояларни мушоҳада қилиш ҳақидаги қараш материалист юнон файласуфлари, хусусан, Демокритга хос бўлиб, у табиатни тадқиқ этиш ҳиссий тажрибага таяниши лозим<sup>5</sup>, - деб ҳисоблаган. Шу билан бирга у ҳиссий идрок этиш ҳақиқий билимни бермаслигини ҳам таъкидлайди.

Диссертацияда Шарқ фалсафасида тажрибанинг амалий ва ҳиссий жиҳатларининг афзалликлари тўғрисида турлича қарашлар бўлганлиги таъкидланган. Абу Райҳон Беруний “Китоб ул-жамоҳир фи маърифати-л-жавоҳир” асарида синовдан ташқари бирор бошқа кўрсаткич, тажрибада текширишдан бошқа муваффақиятга олиб келадиган бирор йўриқнома йўқдир дейди. Беруний замонида тажрибага асосланган экспериментал усул табиатшунослик амалиётига кириб келади. У “Китоб ул-жавоҳир” асарида илмий қонунларни мустаҳкамлашда тажрибанинг аҳамиятини таъкидлайди. Бирок, у тажрибада фақат табиатни билиш учун воситани кўради, у тажриба мантиқий қурилиш, қонунни чиқариш орқали эришилади дейди. Қонундан четга чиқиш, соф эмпиризм тадқиқотчини берк кўчага олиб кириши мумкин, деб мулоҳаза юритади. Диссертацияда Ғаззолий илмни илм ул-муомала, яъни ҳалол ва ҳаром, инсонлардаги яхши ва ёмон ахлоқни билиш тўғрисидаги ва илм ул-мукошафа<sup>6</sup> – Аллоҳ ва унинг сифатлари тўғрисидаги икки турга

<sup>5</sup> Маковельский А.О. Материалисты Древней Греции. Госиздат полит. литературы. - Москва, 1955. -С.79.

<sup>6</sup> أبو حامد الغزالي. الكشف و التبیین في غرور الخلق اجمعين. مكتبة القران للطباعة و النشر و التوزيع، القاهرة، 1986. ص 36

ажратгани таъкидланган. Муомала илми – ҳалол ва ҳаром ишларнинг фарқига бориш, мактов ва танбеҳга лойиқ сифатларни билиш бўлиб, асосан амалий фаолият соҳасида қўллаш учун хизмат қилади. Илм ул-муомала эса инсон қўлидан келадиган ҳар қандай билимга хос. Агар уни ўзига тегишли соҳага қўллашни имкони бўлмаса, ҳеч қандай қимматга ва аҳамиятга эга бўлмайди. Ғаззолий буни шундай тушунтиради, масалан, бирор киши касал бўлиб қолса-ю, уни даволаш учун моҳир табиб керак бўлса, касалманд шифо топиш мақсадида уни қидиришга тушади. Дард чеккан ахири шундай табибни топади ва табиб унга муолажани ёзиб беради. Касал киши дорини сотиб олиб, уйига қайтади ва бошқа касалларга донишманд табибдан ўрганган шифосини айтади. Оқибатда, ўзи бу ишга шунчалик берилиб кетадики, аввал ўзи шу дори билан даволаниб олиши лозимлигини унутиб қўяди. Итоат ва ибодат тўғрисидаги илмни ўрганиб олиб, фарзларга амал қилмайдиган фақиҳ ҳам худди шундай йўл тутаяди. Фақиҳ нима гуноҳ эканлигини билади, аммо ундан қочишга ҳаракат қилмайди. У ахлоқ илмини ўрганган, аммо ўз нафсини маъсиятдан поклаш устида ишламайди, яъни олган илмини амалиётда қўлламайди. Шубҳасиз, у кибрга кетади, у ўз нафсининг ҳою-ҳавасларига алданган киши. Шунинг учун мутафаккир, нафсини поклаган инсон машаққатдан халос бўлади деб уқтиради. Маърифатга, яъни Аллоҳни танишга давогарлик қилган киши амалда ҳалол ва ҳаромга риоя қилмаса, фарзларни бажармаса, мағрур ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг ғурури бошқалардан кўра кучлироқ бўлади. Бу худди шоҳга хизмат қилишни истаган ва унинг характерини билладиган, аммо унга нима ёқиши-ю, нима ғазабини келтиришини англамайдиган, ёки аксинча, шоҳга ёқмайдиган ишни бажариб, шоҳга ёқадиган ишда эса масъулиятсизлик қилладиган кишига ўхшайди. Бу адашган ва алданган кишидир. Агар у ўз билимларини четга қўйиб, шоҳга ёқадиган ва ёқмайдиган ишларга диққатини қаратса, ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Аллоҳни ва унинг сифатларини таниган олимлар тақвосининг заифлиги, уларнинг Худо ғазабидан узоқ бўлиш ва Унинг ризоси ҳамда муҳаббатига эришиш мақсадида ҳеч нима қилмаслигининг сабаби бу уларнинг фақат илоҳий исмларни ёд олиб, унинг асл маъносини англамаганларидадир. Худодан кўркиш буюк илм, ғурур ва Аллоҳни алдаш эса ўта жоҳилликдир<sup>7</sup>, - дейди Ғаззолий.

Бундан кўринадики, тасаввуфий тажрибани ўрганишда ушбу тажриба соҳибларининг шахсий ўзига хос хислатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, тасаввуфий тажрибани тушунишда руҳий ёндашувни ажратиб кўрсатиш лозим. Унга кўра, тасаввуфий тажриба Олам билан боғлиқлик ёки бирлик ҳисси, жазба ва муҳаббат таъсирида Аллоҳни билиш ҳамда илоҳий ҳузурни ҳис қилиш билан боғлиқ бўлган онгнинг ўзгарган ҳолатидир. Шу нуқтаи назардан, тасаввуфий тажриба бу сўфийдаги руҳоний ва жисмоний ўзгаришлар бўлиб, унда у ўз-ўзидан бевосита ёки тасаввуфдаги муршид буюрган турли риёзатлар ҳамда

7. امام الغزالي. احياء علوم الدين. دار ابن هزم، بيروت، 2005. 1308 ص 7

вазифаларни бажариш натижасида содир бўладиган онгнинг ўзгарган ҳолатига тушади. Тасаввуфий тажриба ҳам илмни англаш ҳисобланиб, шундагина кашф ҳосил бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибасида ирфоний билишнинг аҳамияти**” деб номланиб, унда Ғаззолийнинг ирфоний-фалсафий дунёқарашида “Ал-ҳикмату фи махлуқот-и-Ллоҳ” (Аллоҳ яратган нарсаларнинг ҳикмати) асарининг ўрни, мутафаккирнинг “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” (Орзумандлар боғчаси ва солиқлар суянчиғи) асаридаги маънавий-руҳоний, диний-ирфоний қарашлар таҳлил этилган.

Диссертацияда Ғаззолий ўзининг ирфоний фалсафасида диний билимларни мужассам этган ҳолда ақл билан англаб бўлмайдиган, қалб, ботиний ҳол орқали пайдо бўладиган билимларни илоҳий воқелик билан бевосита алоқада бўладиган жараён сифатида қараб, руҳий-маънавий покликни талаб этишини ва шундагина инсон аввало ўзини англай олишини таъкидланган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Ғаззолий инсоннинг илоҳий яратикларни мушоҳада ва тафаккур қилиши натижасида унга манфаатлар келади. Аллома осмонга қарашнинг ўнта фойдаси борлигини шундай ифодалайди: Осмонга қарашда ўнта фойда бордир

- في النظر الي السماء عشر فوائد:

1. Маҳзунлик ва ғамни озайтиради - تنقص الهم
2. Васвасани камайтиради - تقلل الوسواس
3. Кўркунли хаёлдан кеткизади - و تزيل وهم الخوف
4. Аллоҳни ёдга солади - و تذكر بالله
5. Қалбга Аллоҳнинг буюклигини ёяди - و تنشر في القلب التعظيم لله
6. Ёмон ўй-фикрларни олиб ташлайди - و تزيل الفكر الرديئة
7. Тушкунлик дардига шифо бўлади - و تنفع لمرض السوداء
8. Ошиқларга тасалли беради - و تسلى المشتاق
9. Севишганларни бир-бирига яқинлаштиради - و تؤنس المحبين
10. У дуо қилувчиларнинг қибласидир<sup>8</sup> - و هي قبلة دعاء الداعين

Тадқиқотда Аллоҳ одамзодни шарафли ва муқаррам махлуқот сифатида яратгани, инсонни улуғлайдиган ва азиз қиладиган энг буюк неъматлардан бири бу ақл эканлиги, инсон ақли туфайли гўзалликларни англаши ва фаришталар оламига қўшилиши, Коинотга қараб Яратувчини билиш ва инсонга бахш этилган ҳикмат ҳамда омонат билан борлиқда Унинг сифатлари ҳамда далилларини кўриш ҳам ақл ёрдамида бўлиши таъкидланади.

Диссертацияда ақл эҳтиёткорлиги, билими ва донолигига қарамай, ўзини билишга қодир эмаслиги таъкидланади. Чунки унинг ўз-ўзини сифатлаши, хусусиятларини, шакли ва кўринишини таърифлаши имконсиз. Ақл ўзининг энг жоҳил эканлигини, яъни ўзини билмаслигини ва уни биладиган зот (Аллоҳ) уни васф этишини тан олади. Аммо у жоҳил бўлишига қарамай,

<sup>8</sup> أبو حامد الغزالي. الحكمة في مخلوقات الله. دار الاحياء العلوم، بيروت، 1978. ص 17

ишларни юритишда энг нозик чораларни ва санъатнинг нозик жиҳатларини ажрата оладиган даражада билимдон, доно ва ҳикмат соҳибидир. Ғаззолий фикрига кўра, ақлнинг ўзи ҳақида беҳабар бўлмаслиги, аммо эҳтиёт чораларини ва ажрата олишни билиши унинг турли унсурлардан вужудга келган мураккаб бир мавжудот эканлиги, яратилган ва бўйсунадиган махлуқот эканлигининг далилидир. Чунки у ҳикмат соҳиби ва басиратининг порлоқлигига, яъни доно ва эҳтиёткор бўлишига қарамай, ночор ва заифдир. У бирор нарсани эслашни хоҳлайди, лекин унутади. Унутишни истаган нарсани эса эслайди. Бахтли бўлишни истади, аммо қайғуга ботади. Баъзи нарсаларни билмасликни хоҳлайди, лекин ёдидан чиқаролмайди. Ҳушёр ва огоҳ бўлишни хоҳлайди, аммо унутади ва ғафлатда қолади. Буларнинг барчаси унинг мағлуб эканлиги ва бўйсундирилганлигининг далилидир.

Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, ақл билишига қарамай, билган нарсаларининг ҳақиқатини билмайди. Бажарадиган ишлари учун керакли нарсаларни қилади, масалан, гапириш учун керакли ишни қилишига қарамай, овозининг қаергача етиб боришини, товуш қандай чиққанлигини ёки сўзлардаги ҳарфлар қандай жойлашганлигини тушуна олмайди. Демак, Ғаззолий ақл ўзини ўзи ва қувватини билмайди деб хулосалайди. Бундан, инсон ақл воситасида мукошафага эришолмайди, фақат тасаввуфий тажриба орқали кашф ҳолига эришиши мумкин, деган хулоса чиқади.

Тадқиқотда Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, инсон илми ва танаси билан бир ҳақиқат эканлиги, у ниҳоятда мустаҳкам ва ҳикматли тарзда яратилганидан махлуқотлар намунаси бўлиб, шунинг ўзи ҳамма нарсани билгувчи ва истаганини қилгувчи бир Холиқнинг борлигига далолатлиги, шунингдек, инсонни бошқа мавжудотлардан фарқлайдиган нарса бу ҳаё (уят) ҳисси эканлиги, агар бу ҳис бўлмаганида, одамлардаги хунукликнинг камаймаслиги, инсон меҳмон кутмаслиги, яхши амалларни қилишга мойил бўлмаслиги ва ёмонликларни қилишдан сақланмаслиги, инсон ҳатто омонатни эгасига қайтариши, ота-она ҳаққини адо этиши ва уларнинг ҳурматини жойига қўйиш каби бажарилиши лозим бўлган амалларни фақат одамлардан уялгани учунгина қилиши таъкидланади.

Диссертацияда сўфийнинг қалби гуноҳ ифлосликларидан пок бўлиб, Парвардигорининг муҳаббати билан ўзлигини унутиши, у ўз сирлари билан доимо Аллоҳга шошилиши, ҳамма ундан паноҳ топиши, у билан унсият (дўстлик, суҳбат) ва муҳаббат пайдо бўлиши, аммо ўзи эса қалби билан ҳеч кимга яқин эмаслиги ва ҳеч нимага боғланмаслиги таъкидланади. Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, У қудратли Маъбуддан ўзга ҳеч нима билан унсият қуруб, муҳаббат этмайди. Сўфий диний ҳаётга энг аввало (муносиб), энг муҳим ва энг эҳтиётли ҳолда амал қилади. Сўфий Аллоҳ таолони ҳамма нарсадан афзал кўради<sup>9</sup>.

Ғаззолий тасаввуфга қуйидагича таъриф беради:

التصوف طرح النفس في العبودية و تعلق القلب بالربوبية

9 أبو حامد الغزالي. روضة الطالبين و عمدة السالكين. دار النهضة الحديثة، بيروت، 2006. ص 29

Тасаввуф – нафсни бандалик соҳасида (убудият) бошқариш ва қалбни буюк парвардигорга (рубубият) боғламоқдир. Тасаввуф инсонлардан эҳтиёжларни яшириш ва қийинчиликларга дош беришдир. Мутафаккир наздида, тасаввуф – қалбни одамлар билан баравар бўлиш истагидан тозалаш, табиатида пайдо бўладиган ёмон ахлоқларни тарк этиш, ўзидаги инсонга хос сифатларнинг зарарли таъсирини сўндириш, нафснинг беҳуда даво ва иддаоларидан узоқлашиш, руҳоний сифатлар билан юқори даражаларга кўтарилиш, ҳақиқат илмларини тутиш ва динда расулуллоҳга (с.а.в.) итоат этишдир.

Диссертацияда Ғаззолий Ҳаққа яқинлик даражасига (манозил ул-қурбат)<sup>10</sup> эришиши учун босиб ўтилиши керак бўлган олти тўсиқ кўрсатилади. Булар: *биринчи босқич* - аъзоларни дин ҳаром қиладиган нарсалардан узоқлаштириш; *иккинчи босқич* - нафс кўниккан ва яхши кўрадиган ёмон одатларидан қутулиш; *учинчи босқич* - қалбни инсон ҳолатидаги зулмат ва пардалардан халос этиш; *тўртинчи босқич* - унинг сири табиатини ёвузлик ва лойқаланишдан тозалашдир; *бешинчи босқич* - руҳни ҳиссий парда ва тўсиқлардан озод қилиш; *олтинчи босқич* - ақлни бўш орзу ва хаёллардан узишдир. Буни мутасаввиф қуйидагича тушунтиради: Биринчи босқичдан ўтсанг, қалбнинг ҳикмат (донишмандлик) манбаларига эришади. Агар иккинчи босқичдан ўтсанг, ладуний (илоҳий) илмларнинг сиридан воқиф бўласан. Учинчи босқичдан сўнг, сенга малакут, ғайб олами ва бу оламнинг аломатлари очилади. Тўртинчи босқичда сенга Аллоҳга яқинлик мақомларининг нурлари порлайди ва пайдо бўлади. Бешинчи босқичда севгилингни мушоҳада қилганигда қуёш чиқади. Олтинчи босқичдан сўнг, сен қудсий доирага, илоҳий яқинлик жаннатига тушасан, ана шунда сен илгари кўрган моддий оламнинг инсоний таъсири ва завқларидан бутунлай халос бўласан<sup>11</sup>.

Диссертацияда “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” асари таҳлили асосида инсон солиҳларнинг одоби билан зийнатланса, каромат ва илоҳий эҳсон-инъомларига эриша олиши, авлиёлар одоби билан одобланган киши илоҳий яқинликка қабул қилиниши, кимки сиддиқларнинг одобига эришса, у мушоҳадага келтирилиши, ким пайғамбарлар одоби билан одобланса, унга унсият, яъни алоҳида муҳаббат ва дўстлик неъмат берилиши, кимки одобдан маҳрум бўлса, барча хайрли нарсалардан маҳрум бўлиши, машойих, комил устозларнинг буйруғига бўйсунмайдиган ва одоб-ахлоқига рози бўлмаган киши, ёлғиз ўзи Қуръон ва суннатдан фойдаланиб, ҳақиқий одобни ололмайди деб хулоса қилинади. Тарбия йўлининг (сулук) бошида турган киши учун керак бўлган одобга амал қила олмайдиган одам, тарбиянинг охирига келган ва юксак мақом соҳиби бўлган валийларнинг мақомига етганини даъво қилолмайди. Зеро, Аллоҳни танимаган киши Унга мурожаат қилмайди.

<sup>10</sup>Манозил ул-қурбат – қурбат манзиллари, Аллоҳга яқинлик даражаси.

<sup>11</sup>أبو حامد الغزالي. روضة الطالبين و عمدة السالكين. دار النهضة الحديثة، بيروت، 2006. ص 12

Сўфий қалбини тозалашда давом этар экан, унинг кўнгли Ҳаққа жам бўлади, нафсининг ҳаракати билан қалб парчаланади ва унинг ҳолати ўзгаради. Сўфий Рабби билан қалбини тирилтиради, қалби билан нафсининг ишларини бошқаради ва ислоҳ қилади. Сўфий нафсига нисбатан адолатли бўлиши лозим, уни қилган киши тасаввуфнинг ҳақиқатига эришган бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ғаззолий тасаввуфий тажрибасида илмий билишнинг аҳамияти”** деб номланиб Ғаззолийнинг тасаввуфий тажрибасида билиш ва ўз-ўзини англаш масалалари, аллома тасаввуфий тажрибасининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, ўзига хослиги ҳамда мутафаккир тасаввуфий тажрибасининг эпистемологик моҳияти масалалари тадқиқ этилган.

Мутафаккир инсон комиллиги унинг ҳаёти олий мақсади деб билади. Бунинг олий даражаси эса Аллоҳга ҳузурига эришиш бўлиб, ўз навбатида бу билан файласуф ислом тасаввуфининг аънанасига асос солган. Ўз-ўзини билишда Ғаззолий қалб илмини алоҳида кўрсатади. Ушбу жавҳар қалб, ақл, нафс ва руҳ деб ҳам аталади. “Мунжиёт”да мутафаккир уни эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва бошқа ҳислар билан қиёслайди: “Қалбда яна шундай номланадиган қобилият мавжудки, уни “нури илоҳий” дейдилар. У яна ақл, “басират ботиния” (ички назар), “нур ул-имон” (имон нури) ёки “йақин” (ҳақиқий илм) деб аталиши мумкин”<sup>12</sup>.

Тадқиқотда ўз-ўзини билишда юксак қобилият бу басират бўлиб, у моҳиятни англашга имкон бериши, ушбу қобилият, шубҳасиз, ақлдан устун эканлиги таъкидланади. Басират инсоннинг ички субстанцияси ҳисобланиб, унинг акциденцияси илм, бу илм махсус, ўзига хос илмдир. Инсон ҳодисаларни ўсиб борадиган мураккаблик чегараси воситасида билади. Ушбу чегаралар учта олам орқали ўтади. Биринчи олам бу аниқ ва ҳис этиладиган олам бўлиб, у билишнинг ҳиссий босқичига тўғри келади. Чунки, булар ҳислар орқали таниладиган моддий предметлар ҳисобланади. Иккинчиси маънавий олам ҳодисалари – куч, ирода, билим бўлиб, ақл орқали танилади. Билимдан йўл сирлар оламига, сирли мавжудотларга олиб боради ва худони таниш билан тугалланади. Бу сирлар оламидаги ҳодисаларнинг моддий кўриниши паст оламлардаги ҳодисалар ҳисобланади.

Диссертацияда Ғаззолий жоҳил олимларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатига чуқур эътибор қаратмагани, асосий сабаб сифатида ўз-ўзини, яъни нафсини билмаслик, деб ҳисоблагани, ўз-ўзини билмасдан туриб ҳақиқий комилликка эришиб бўлмаслиги таъкидланади.

Диссертацияда Ғаззолий таълимотидаги тасаввуфий ҳолатлар ҳислар соҳасига тегишли бўлса-да, улар билишнинг алоҳида махсус шакли эканлиги, тасаввуфий тажрибада инсон ҳушёр онгга ёпиқ бўлган ҳақиқат тубига кириши, булар ўзига хос кашф (мукошафа) ва ботиний илҳом лаҳзалари эканлиги таъкидланади. Тасаввуфий тажриба ўз табиатига кўра, интуиция – сезги билан боғлиқ бўлиб, интуиция илмий ижодга ҳамроҳ саналади. Сезги ақлий мулоҳазаларга зид келади, аммо жазба ҳолида ҳақиқий метафизик

<sup>12</sup> ابو حامد الغزالي. احياء علوم الدين. القاهرة. جلد 4، 300 ص.

футухотлар бўлиши мумкин. Тасаввуфий тажрибада қалбга бевосита илоҳий нур киради, бу ҳол ҳис қилинади. Муסיқа ёки маъшуканинг образи қалбда узоқ ва етиб бўлмас бир ҳисни уйғотгани каби маънавий тажрибанинг мазмуни ҳам шундайдир. Бундай тажрибада қалбга олий ва мукамал олам ҳақида хабар берувчи бир овоз келади. Бу овоз илоҳий ирода ва тақдирдан хабар берадиган имон овози дейилади. Қалбнинг тубида инсон Олий қудратнинг мавжудлигини ҳис этади, унинг руҳига бошқа бир борлиқдан қандайдир хабар келади. Эстетик тажриба тасаввуфий тажриба билан ҳиссийлиги жиҳатидан ўхшаш бўлиб, ботиний ички “мен” билан ҳис қилинади. Яъни бу тажриба транцендент воқеликнинг имманент тажрибаси ҳисобланади. Шунинг учун, биз кўпол тарздаги турли назариялар ва таърифларга эътироз тарзида тажрибани транцендент ҳақидаги тажриба деб айтаемиз. Тасаввуфий тажрибанинг асосий жиҳати ҳам шундадир.

